

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8041780>

Тўхтасинов Аброр Рустамович

Наманган давлат университети “Педагогика назарияси ва тарихи”

кафедраси таянч докторанти.

abrorbektuxtasinov88@gmail.com

Аннотация.

Мақолада ёш авлодни ҳар жиҳатдан камол топтириши, уларда эстетик тарбияни юксалтиришида мусиқа санъати мусиқа санъати улкан таъсир кучига эга бўлган тарбия воситаси эзаканилиги ва ҳар томонлама етук, баркамол шахсни тарбиялашда мусиқа ва мусиқий тарбиянинг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар

санъат, мусиқа, эстетик тарбия, таълим ва тарбия, маданият, маънавият.

ЗНАЧЕНИЕ МУЗЫКАЛЬНОГО ИСКУССТВА В ЭСТЕТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ СТУДЕНТОВ И МОЛОДЕЖИ

Аннотация.

В статье подчеркивается значение музыки и музыкального образования в воспитании подрастающего поколения во всех его аспектах, повышении его эстетического воспитания, а также значение музыки и музыкального образования в воспитании всесторонне зрелой и всесторонне развитой личности.

Ключевые слова.

искусство, музыка, эстетическое воспитание, воспитание и воспитание, культура, духовность.

THE IMPORTANCE OF MUSIC ART IN AESTHETIC EDUCATION OF STUDENTS AND YOUNG PEOPLE

Abstract.

The article highlights the importance of music and musical education in raising the young generation in all aspects, raising their aesthetic education, and the importance of music and musical education in raising an all-round mature and well-rounded person.

Key words.

art, music, aesthetic education, education and training, culture, spirituality.

Мустақилликнинг дастлабки қунларидан жамиятда юксак маънавий фазилатларни қарор топтириш, халқимизни, жумладан, ёшларни умуминсоний қадриятларга хурмат, истиқолол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилига айланди. Ушбу тарихий жараёнда миллий ўзликни англаш, миллий мағқуранинг қарор топиши ва унинг ҳар бир фуқаро онгида мустаҳкам ўрин олишида, халқимизнинг қадим қадриятлари-ю анъаналари акс этган миллий мусиқа санъатининг аҳамияти бекиёсdir.

Мусиқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир. Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга хурмати баланд бўлади”[1]. Шундай экан, санъатнинг сирли имкониятларидан фойдаланиш жамиятда ижодкорлик, яратувчанлик мухитини яратиш учун саънат назариётчиларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялашда мусиқа санъатига оид барча йўналишларни ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялашда эстетик тарбияга алоҳида эътибор берилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлган жараёндир. Ушбу масалани ечишда мусиқий эстетик тарбиянинг ўрни каттадир. Эстетик тарбия анча кенг бўлиб, шахс ва жамиятдаги гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади. Шунингдек, эстетик фаолият, воқеликни гўзаллик қонун-қоидалари асосида ўзгартиришга қобилиятли шахсни тарбиялайди. Эстетик ривожланиш шахснинг эстетик онги, муносабатлари ва эстетик фаолиятнинг вужудга келиши ҳамда такомиллашувидан иборат узоқ давом этувчи

жараёндир. Эстетик тарбия шахснинг жамиятда эстетик маданиятини эгаллаб олишига боғлиқ бўлиб, турли йўллар ва шакллар ёрдамида амалга оширилади[5.-Б.32.].

Таъкидлаш жоизки, ёш авлодни ҳар жиҳатдан камол топтириш учун уларда эстетик тарбияни юксалтиришда мусиқа санъати улкан таъсир кучига эга бўлган тарбия воситаси бўлиб, инсон руҳиятига ҳаётбахш куч бериши аҳамиятлидир.

Инсондаги гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамоллик ҳақида гапириш ноўрин. Яни, одам ўзи яшаётган жамиятда, инсонларда, тарихан шаклланган ва муайян даврда амал қилаётган бадиий

ижод намуналарида мужассамлашган гўзалликни ҳис қила олмас экан, уни маънавий баркамол инсон деб бўлмайди. Мусиқа ана шу нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялаш воситасидир[3.-Б. 6.].

Замонавий шароитда ёшларда бадиий-эстетик компетентликни ривожлантириш мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида жамият миқёсида табиатни эстетик ўзлаштириш жараёнлари ва натижалари, меҳнат фаолияти,

турмуш, ижтимоий муносабатларнинг эстетик ҳолатлари; дид ва манфаатларининг муайян ҳолати; эстетик тарбия назарияси ва амалиёти таъсири, уларнинг ижтимоий-эстетик фаоллигининг намоён бўлишида кузатилади. Шунинг учун ҳам, бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг

бадиий-эстетик билим ва кўникмаларини ривожлантириш орқали мамлакатимизда мусиқа таълими педагогларининг касбий салоҳитини ошириш, санъатни тушуниш дунёқарашини кенгайтириш, тафаккурини ўстириш ва бу орқали ўқувчиларда мусиқий тафаккурни ривожлантириш

тизимини ислоҳ қилишга эришиш мумкин бўлади[4.-Б.395.].

Зеро, санъат, бир томондан, даврнинг “ижтимоий-тарихий воқеалари таъсирида шаклланадиган ва ривожланадиган, иккинчи томондан, миллий маданият ва ҳар бир санъаткорнинг эстетик эҳтиёжларини акс

эттирувчи” [6.-Б.94.] эстетик идеални гавдалантиришнинг асосий соҳаси бўлиб, ижтимоий жараёнларнинг моҳият-мазмунини ўзлаштириш, уларнинг ривожланиш тенденцияларини белгилаш мақсадларига хизмат қиласи.

Ҳар томонлама етук, баркамол шахсни тарбиялашда мусиқа ва мусиқий тарбиянинг аҳамияти бекиёсdir. Зеро, буюк мутафаккир Фаробий «Шахсни фақат таълим ва тарбия билан яратиш мумкин», деганди. Қадим бир юонон рисоласида: «...кимда-ким мусиқа санъатига мурожаат этса, унинг номига ҳеч қачон доғ тушмайди... мусиқа таъсирида юксалиб, ўзига, Ватанига катта фойда келтиради, ҳеч қаерда мувозанатни бузмайди, ҳамма ерда уйғунлик, донолик ва тартибга қатъий риоя қиласи», - дейилган эди. Қадимга юонон файласуфи Афлотун (Платон): «...музиқа – давлат хақидаги таълимотнинг таркибий қисмидир, давлатда инсонни улуғлайдиган куйлар янграши лозим», - деса, Арасту: «Мусиқа шеърият назариясининг бир бўлаги», «Мусиқа инсонни жамиятга яқинлаштиради, тинглаб рухан покланади, танига шифо беради»[2.-Б.191.]. - деб таъқидлаган бўлса, Абу али ибн Сино фикрича, «музиқа инсонда хаётбахш, олийжаноб ахлоқий хусусиятларни

ривожлантиради, у инсонга хизмат қиласи, унинг интеллектуал ва ахлоқий қиёфасини шакллантиради». У мусиқани инсоннинг гўдаклигидан то умрининг охиригача зарур ва фойдали бўлган бадиий эстетик ва тарбиявий қадрият деб ҳисоблайди[8.-Б.15-16.].

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан «Араблар файласуфи» сифатида ном таратган Ал-Киндий (801-866) фалсафа, математика, тарих ва астрономия соҳаларида ўз даврининг буюк алломаси бўлиб қолмай, у мусиқа билан ҳам жиддий шуғулланган. Унинг фикрича, мусиқа ўз мувозанатини йўқотган кишилар ахлоқини тузатиб, уларни ёмонликдан тияди[3.-Б.9.]. Мусиқа кишиларнинг соглом яшashi учун фойдали ҳамда мусиқа садолари воситаси билан қалб кучлари тартибга тушади.

Мусиқанинг тарбиявийлик хусусиятига одатда икки хил ёндашилади.

- Биринчидан, мусиқа ҳаракатлантирувчи ва покловчи маънавий ҳодиса.

- Иккинчидан, мусиқа - қўнгилочар ва эрмакка асосланган манфаатдорлик манбаи. Ҳар иккала ёндашувда ҳам мусиқанинг тарбия жараёнларидағи иштироки муҳим аҳамиятга эга. Чунки масалага рационал ёндашадиган бўлсак, ҳар қандай мусиқа маънавий ҳодисага айланмагани каби барча мусиқалар ҳам оддийгина манфаатдорлик манбаи бўлавермайди[7.-Б.37.]. Чинакам мусиқа маданият ва маънавият мулки сифатида тарбия жараёнларига янада яқинлашади. Мусиқани тинглаш, ҳис этиш, муносабат билдириш каби эстетик маданият тизими тарбиявийлик хусусияти орқали изохланади.

Мусиқа санъати бошқа санъат турлари каби ўзида ҳаётни акс эттиради. Ёшларга мусиқа сирларини, мазмун-моҳиятини теран ўргатиб бориш уларнинг етук санъат дарғалари бўлиб ҳар томонлама уйғун камол

топишларида бекиёс аҳамият касб этади. Куй-қўшиқка меҳр-муҳаббат болаликдан бошланиши лозим. Мусиқа ва санъатнинг ҳаётбахш таъсири ёшлар ҳаётида ўзгача ўрин тутади. Бола дарсдан бўш вақтида ўзи хоҳлаган мусиқа тури билан шуғулланиши натижасида келгуси касби учун замин тайёрлайди, қалбида одамийлик, эзгулик каби олижаноб фазилатлар бўй кўрсатади. Мусиқани нафақат маҳсус ўкув масканлари, мусиқа мактаблари ва тўгарак машғулотларида, балки оилада ҳам ўрганиш учун яхши мухит яратиш лозим[7.-Б.38.].

Болаликда, ёшлиқда олинган мусиқий таълим ҳар томонлама етук шахсни тарбиялашда унинг ижодий қобилиятини ўстиради, ақлий ва маънавий етуклигига хизмат қиласи. Бунда, айниқса, ўспириналлик даврида (12-15 ёш) олинадиган мусиқий таълимнинг ўрни бекиёсдир. Мусиқий

таълим кишининг эркинмулоқот, мустақил фикрлаш, жамоатчилик ичидага фаоллик хусусиятларини оширади. Эстетик тарбия жараёнида ахлоқ ва онг шаклланади, шахснинг маданияти, бадиий савияси ошади, ижтимоий фаоллиги ривожланади[3.-Б.192.].

Ёшларга илк бор бадиий маълумот бериш, мусиқа санъати орқали уларни ахлоқий-эстетик жиҳатдан тарбиялаб боришда мактабгача тарбия муассасаларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Мактабда мусиқа фани ўз мақсади ва эътибори билан ўқувчиларда мусиқа санъатига бўлган қизиқиши, уни онгли ва эмоционал идрок этиш малакасини ортиради. Уларда эстетик ҳис-туйғуларни тарбиялаш, ахлоқий сифатларни шакллантириш, ижодий қобилият ва бадиий дидни ўстира бориш орқали ҳақиқий санъатни севадиган, уніқадрлайдиган ёшлар қилиб тарбиялайди. Ўқувчиларнинг қалбларини қувончга санъатдан олинадиган шавқ ва завққа тўлдиради. Бу энг муҳим омил – мусиқанинг мўъжизасидир[3.-Б.192-193.].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки мусиқа санъати гўзалликни хис этиш туйғуларининг ривожланишига ва баркамол шахсни тарбиялашда муҳим воситалардан биридир. Мамлакатимизда мусиқа санъатини янада ривожлантириш орқали ўқувчи-ёшларни умуминсоний қадриятларга хурмат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда ёш авлод онг-шуурида миллий қадриятларни мадҳ этувчи янги ижодий ғоялар яратилишига эришиш, шунингдек, янги истеъдод эгаларини кашф этиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шавкат Мирзиёев. “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишлиланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. 26.08.2019 йил.
2. «Античная музыкальная эстетика: Вступление А.Ф.Лосева и сборник трудов». М., 1960 г.
3. Б.Ш.Ирзаев. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон мусиқа маданиятининг ривожланиши. ЎзР ФА Тарих институти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015, - 344 б.
4. Д.Р.Муродова. БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. ISSN: 2181-3337. 2022 № 1.

5. Каримова Д.А., Хоназарова Р. ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА «МУСИҚА МАДАНИЯТИ» ФАНИ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2018, 7
6. Маҳмудов Т., Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988.-Б.94.
7. Рудакий АЛЛАНБАЕВ. ЁШЛАР МАЪНавиятини ШАКЛлантиришида мусиқа санъатининг ўрни. ЎзДСМИ хабарлари – 2018/1(5)
8. Чориев Т.Р. Худоев F.М. Садриддин Айний ижодида мусиқа санъати ва мусиқашунослик // «Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар». Республика илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами. – Бухоро, 2013 й. – Б 15-16